O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 24 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 84 (7383)

Da'vat

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Алишер НАВОИЙ

Ibrat

Японияннинг Ўзбекистондаги элчиси Кёко Накаяма хоним Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг япон филологияси кафедрасига япон халқаро жамғармаси томонидан ажратилган 10 та компьютер ва битта принтерни тақдим этди.

Reportaj

УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Кеча Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 110-мактабда иккала мамлакат қардошлиги рамзи сифатида Ўзбекистон ва Украина давлатлари байроқлари ҳилпиради. Жажжи ўғил-қизларнинг қўлларидаги юзлаб байроқчалар эса худди шу дўстликни самимий қутлаётгандай эди, назаримизда. Ана шундай олқишлар даврасига иккала давлат вакиллари — Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой Жўраев ва Украина Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Анатолий Касяненко ҳамда бошқа меҳмонлар ташриф буюришди.

Иккала мамлакат вакилларининг бир жойга жамулжам бўлиши эса Украина Президенти Леонид Кучманинг Ўзбекистонга ўтган йилги ташрифи билан боғлиқ эди. Гап шундаки, ўша ташриф чоғида Леонид Кучма Ўзбекистон ва Украина халқларининг қардошлик ипларини маҳкам боғлаб турган ушбу мактабга истиқлолимизнинг 10 йиллиги тантаналари кунлари компьютер синфи тақдим қилишни ваъда қилганди.

Мактаб раҳбари Шоҳида Ёқубжонова компьютер синфи тақдим қилиш маросимини очиқ, деб эълон қилди. Ўзбекистон ва Украина давлатлари мадҳиялари навбатма-навбат янгради. Мустақил юртимиз мадҳиясини турли миллат болаларининг биргаликда ижро этишлари, очиғи, қалбимизни ғурурга, фахрга тўлдирди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой Жўраев икки давлат Президентларининг дўстона муносабатлари, иккала мамлакат халқларининг азалий ва абадий дўстлиги ҳақида гапира туриб, Украина Республикасининг Львов шаҳрида ҳам юртдошимиз Йўлдош Охунбобоев номидаги мактаб борлигини айтганида кўпчилик ҳайратга тушди...

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар — Тошкент шаҳар ҳокимининг муовини Рихситилла Акромов, шу мактабнинг 11-"А" синф ўқувчиси Комрон Ниғматов, соф украин тилида гапирган 11-"В" синф ўқувчиси Евгения Горбенко, ота-оналар номидан Оксана Комиренколар сўзларида бош мавзу тинчлик, азалий ва абадий дўстлик ғояси бўлди, десак адашмаган бўламиз.

Рамзий лента тантанали равишда қирқилгандан сўнг суҳбатлар, мулоқотлар янги русумдаги "Pentium-3" компьютерлари ўрнатилган синфда давом этди. Хуллас, ушбу учрашув, тадбир Миробод туманидаги 110-мактаб жамоаси, айниқса, ўқувчилари қалбида узоқ вақт муҳрланиб қолажаги шубҳасиздир.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Суратда: тақдимот маросимидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

"НАФОСАТ" УЛҒАЙТИРГАН КЎНГИЛЛАР

Куз фасли ўзининг сокин ва тароватли кунлари билан юртимизда ҳукмрон бўлиб турган айни лаҳзаларда пойтахтимиз Тошкентга кўнгиллари майсанинг титроғидан, япроқнинг ерга тўкилишидан, боғлар ва хиёбонлардаги дарахтларнинг олтин либос кийишидан бир олам завқ олган, ҳар бир нарсадан мўъжиза кўра билган ижодкор, изланувчан, истеъдодли болалар келишди. Улар республика Нафис санъат лицейида тенгдошлари билан учрашиб, мушоира ўтказишди.

Республика Халқ таълими вазирлиги Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ҳар йили ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигини тантанали тарзда нишонлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятларда билим олиб, ижод қилаётган кўпгина истеъдодли болаларни бир давра атрофига бирлаштириб, "Нафосат" мушоирасини ўтказади. Ана шу анъана бу йил ҳам давом этди.

Тадбирни халқ таълими вазири ўринбосари Усмонали Мусаев очиб, тадбирнинг аҳамияти хусусида гапирди.

(Давоми 4-бетда)

Munosabat

ТИНЧЛИК—БЕБАҲО НЕЪМАТ

Шу кунларда Америка Қўшма Штатлари томонидан Афғонистон ҳудудидаги халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилиш мақсадида бошланган амалий ҳаракатлар ҳаммамизнинг диққат марказимизда турибди.

Аслида бу амалий ҳаракатларнинг юзага келишига 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари туртки бўлди. Гарчанд давлатимиз раҳбари бир неча йил аввалроқ халқаро террорчилик ва унинг мудҳиш оқибатлари ҳақида огоҳлантирган бўлсалар-да, террорчилик хавфининг жирканч башарасини кўпчилик шу кунгача бу қадар аниқ ҳис этмаган эди.

...Хизматдан уйга келгач, телевизорни бурадим. Осмонўпар бинолар тагида сон-саноқсиз одамлар қийчув қилиб ҳар тарафга югуриб юришибди. Одамлар орасида кинокамера кўтарган журналистлар шов-шувли материал тайёрлаш пайида. Инглизчалаб берилаётган ахборотдан бирорта янги кинофильм кўрсатишаётган бўлса керак, деб ўйладим. Бироз фурсат ўтгач, террористлар амалга оширган қўпорувчилик ҳаракатидан воқиф бўлдим. Яширмайман. Аввалига бир оз гангидим. Оёқларим остида тинч турган замин сурилаётгандек бўлди. Тинчлик деб аталмиш илоҳий неъмат дунё учун қанчалик азиз эканлигини шу сонияларда ҳис қилдим.

Мазкур мудҳиш воқеага ҳам бир ойдан ошди. Бу орада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Баёноти эълон қилинди. Баёнотда: "Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак— бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий"—деган қайдлар бизни қайта ҳушёрликка, огоҳликка чақиради.

Баёнотдаги ушбу сўзларни ўқигач, кўз олдимга ўзим таълим бераётган зукко ва зийрак ўқувчилар келди. Уларни дарҳол ҳар қандай бузғунчи таъсирдан ҳимоялашга шошилдим. Улар ҳамда ота-оналари билан террорчиликнинг маккорлиги, раҳмсизлиги ҳақида суҳбатлар ўтказдим. Мен томон боқиб турган кўзларидан улар бизларга, биз олиб бораётган сиёсатга ишонишларини англадим. Улар билан фахрланиб, кўксимни қалқон қилишга тайёр эдим. Маҳалла кўчаларидан борар эканман, бу кўчаларда бирорта ҳам ғаразли кимсанинг дин номидан қабиҳлик қилишига, уйдирма гаплар билан одамлар юрагига ваҳима солишига йўл қўймаслик лозимлигини вужудим билан ҳис қилдим. Ҳар бир кўчага фаол йигитлардан посбонлар тайинлаб, уларнинг ишларига, ҳаракатларига яқиндан ёрдам бериб, маҳалла аҳлининг тинчлигини ҳимоялашга астойдил киришдик.

Донишмандларнинг айтишича, икки неъмат — соғлик ва тинчлик бебаҳо экан. Дарҳақиқат, соғлиги бўлмаган одамга ҳеч нарса татимайди. Худди шунингдек, тинчликда юрганимиздагина ишларимизнинг самарасидан бахраманд бўламиз. Ахир кейинги 10 йил ичида мустақиллик сабаб талай бунёдкорлик ишларини амалга оширдик. Таълим, соғликни сақлаш тизимларини ислоҳ қилдик. Буларнинг барчасига тинчлик асосида эришдик. Бироқ Андижон ва Наманган вилоятида жангари тўдалар содир этган қотилликларни унутиб бўлмайди, ёки чегарамиздан ўтиб, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига бостириб кирган террорчи гуруҳларнинг қўпорувчилик ҳаракатларини эсдан чиқара олмаймиз. 16 февраль воқеалари эса юрагимизда доғ бўлиб қолди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири билан бўлган суҳбатда; "Тўғри, тинчлик — Оллоҳнинг буюк неъмати, ҳаммамиз учун ҳам ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидларимиз манбаидир. Лекин "тинчлик бўлсин", — деган мазмундаги сўзларни қайта-қайта тилга олар эканмиз, кўпинча унинг маъно-мазмуни нечоғли теранлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Маъно-мазмуни англанмаган сўзнинг эса таъсири ҳам, қадри ҳам бўлмайди", деган сўзларида бундан бўёғига қилишимиз лозим бўлган ҳаракат дастури ўз ифодасини топган. Ахир тинчликни таъминлаш давлатнинг, чегарачи ёки милиция ходимининг ишигина эмас. Шу ўринда афғон халқига эмас, балки афғон юртида уя қурган террорчилар ва уларнинг малайларига қаршилигимизни таъкидламоқчиман. Чунки ушбу ҳақиқатни теран англашимиз давомий тинчликка эриша олишимизга кафолатдир.

Ёшларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун қанча тадбир белгилаб, қанча маблағ сарфлаяпмиз.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ,
олий тоифали ўқитувчи



G'urur

Немис олими Улрих Рудолфнинг "Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти" деб номланган китобининг тақдимот маросими куни кеча Миллий матбуот марказида бўлиб ўтди.

БОБОКАЛОНИМИЗ МЕРОСИНИ ҒАРБ ЎРГАНМОҚДА

Имом ал-Бухорий жамғармаси томонидан таржима ва нашр қилинган бу асар ўзбек китобхонларига ўз бобокалони Абу Мансур ал-Мотуридий мероси ҳақидаги батафсил маълумотлар мавжуд биринчи ўзбекча китоблиги билан қадрлидир.

Аждодларимиз азал-азалдан олам ва унинг яратилиши ҳамда ундаги воқеа ҳодисаларни чуқур мушоҳада этиб келганлар. Ушбу мушоҳадаларнинг натижаси сифатида йирик илмий-фалсафий асарлар дунёга келган. 2000 йилда тавалудининг 1130 йиллиги кенг нишонланган илоҳиётчи аллома Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг асарлари ана шундай дурдоналардандир. Улуғ бобокалонимиз қолдирган мерос нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. "Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти" китоби ҳам олмониялик истеъдодли олим Улрих Рудолф томонидан амалга оширилган кўп йиллик илмий изланишлар самарасидир. Унда мотуридия номи билан машҳур бўлган Самарқанд илоҳиёт мактабининг тарихи ва унинг умумбашарий маънавиятдаги залворли ўрни асл манбалар асосида ёритилган.

Китобни рус ва немис тилларидан Раъно Қобулова ва Ғанижон Маҳмудовлар таржима қилишган. Китобни нашрга сиёсий фанлар доктори, профессор Зоҳидулло Мунаввров бошчилигидаги етакчи исломшунос олимлардан иборат таҳрир ҳайъати тайёрлади. Китоб 1000 нусхада, 26.5 босма табоқ ҳажмда нашр этилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг миллатлараро ва дин ишлари бўйича Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов, Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Хекер, Фридрих Эберт жамғармасининг Марказий Осиёдаги вакили Винфрид Шнайдер-Детерс, Имом ал-Бухорий жамғармаси ходимлари,атоқли исломшунос олимлар ва дин арбоблари иштирок этди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

МЕН МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАМАН?

O'quvchi fikri

Кейинги йилларда радио, телевизор, йиғилишларда миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида сўз юритилмоқда. Гоҳида биз синфдошларимиз билан: "Миллий ғоя нима мақсадда, қандай пайдо бўлади?" деган савол устида баҳслашиб қоламиз. Дарсда эса ўқитувчимиз ҳар ким ўз билганини, эркин фикрини айтсин, дедилар. Мен ҳам ўз фикрларимни баён этдим:

Менимча, инсон туғилиб ёши катта бўлаверар экан, яқин ёки узоққа мўлжалланган ишларни режалаштиради. Режа тузишдан олдин ҳар бир инсонда аниқ бир ғоя пайдо бўлади. Бу ғоя тез-тез унинг ёдига тушиб, астаста ниятга айланади. Чунки инсон бошқа жонзотлардан фақаттина кийиниши, юзи, қиёфасидан эмас, балки ғояси билан ҳам ажралиб туради.

Миллий ғоя эса менимча, ҳаммамизда бор, ўхшаш, ҳамманинг нияти бўлса керак.

Ҳозир мамлакатимиз мактабларида миллий ғоя дарслари ўқитилаяпти, турли қўлланмалар чиқаяпти. Улар бир-бирига ўхшамайдиган ёшларни бир масала — миллий ғоя масаласида бир-бирига ўхшатади, бирлаштиради. Чунки ғоялари ўхшаш яқин кишилар тез бирлашадилар. Аксинча одамлар тарқалиб юришган. Бунинг мисолини биз 9-синфда ўзбек хонликлари тарқоқлашиб, мустамлакага тушганидан билдик. Миллий ғояга биз ўқувчилар ҳозирдан бошлаб, эртага қандай касб эгаси бўлишимиздан қатъий назар амал қилишимиз керак. Шундай қилсак, биз кучли жамиятга — кучли миллатга айланамиз. Менимча, бунинг учун ўқувчиларнинг миллий ғояси ҳамма жойда, мактабда ҳам, кўчада ҳам, маҳаллада ҳам билиниб туриши керак. Масалан, миллий ғояси мустаҳкам ўқувчи чуқур билимга эга бўлади, самимийлиги,қатъияти билан бошқалардан ажралиб туради. Миллий ғояси мустаҳкам чегарачи ўз чегарасини, ҳудудини бошқалардан ҳушёрроқ қўриқлайди.

Диний ақидапарастлар ўз қора ниятлари билан бизнинг мамлакатимизга суқилиб кириб, халифалик барпо этишга ҳаракат қилдилар. АҚШдаги минглаб бегуноҳ одамларнинг ўлимида эса террорчиларнинг қўли борлиги маълум бўлди. Ҳозир ҳамма, бутун дунё уларни ёмон кўриб қолди. Улар қизларнинг уйдан чиқмай ўтиришини, мактабга бормаслигини, юзларига паранжи тортиб юришини исташади. Ҳозиргача Афғонистонда шундай экан. Террорчилар "Аллоҳ", "Қуръон" каби муқаддас сўзларни ниқоб қилиб, турли бузғунчи ташкилотлар тузиб бутун жаҳонга мусулмонларни ёмонотлиқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишаяпти.

Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатга қарши игво, фитна ва бўҳтон тарқатишга зўр бериб ҳаракат қилувчилар ҳали ҳам бор. Уларнинг ғаламислик билан тўлиб-тошган турли миш-мишлари, варақалари бизни мусаффо, улуғ мақсадимиз йўлидан адаштира олмайди.

Миллий ғоямиз — бизни, биз — миллий ғоямизни ҳимоя қиламиз.

Марҳабо МУҲАММАДИЙ,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 122-ўрта умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

ВОҚЕАЛАР СИЛСИЛАСИ

- **Америка ҳукумати душанба куни икки киши қуйидирги касаллиги оқибатида вафот этганини расман эълон қилди. Ҳозиргача бу ерда ушбу касаллик билан боғлиқ ўн ҳолат қайд қилинди.**

- АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд ҳаво ҳужумлари туфайли Ҳиротдаги касалхона бомбардимон қилиниб, юздан ошиқ киши ҳалок бўлгани ҳақидаги толиблар тарқатган хабарни рад қилиб, бу ҳали далилланмагани, текширишлардан сўнг аниқ гап айтилишини баён қилди.

- **БМТ Покистон ҳукуматини ўз чегараларини афғон қочоқлари учун очиб қўйишга яна бир бор чақирди.**

- Нью-Йорк ва Вашингтондаги теракт-лардан бир ҳафта ўтгач Чикагода қўлга олинган Набил ал-Марабҳ 11 сентябрь портлашларида асосий роль ўйнаган террорчилардан бири сифатида гумон қилиниб, ҳозирги кунда Нью-Йоркдаги қамоқхоналардан бирининг бир кишилик камерасида сақланмоқда.

- **АҚШ миллий почта хизмати қуйидиргига қарши янгича хавфсизлик чораларини қўллаш учун 1 миллиард доллар маблағ ажратилганини эълон қилди.**

- Америка самолётлари Афғонистон шимоли, жумладан, толибларнинг муҳим базалари жойлашган Мозори Шариф шаҳрини бомбардимон қилишда давом этмоқда.

Янги журналнинг илк сони чикди *2-бет*

«Ma'rifat» маслаҳатхонаси *2-бет*

Yangi alifboni o'rganamiz *3-бет*

Япония таассуротлари *3-бет*

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 октябрь куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ)нинг амалдаги раиси, Руминия ташқи ишлар вазири Мирча Жеоанени қабул қилди ва учрашувда Ўзбекистон—ЕХҲТ муносабатларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама этилди.**

- **Ўзэкспомарказда "Ўзбектуризм" миллий авиакомпанияси ҳамда Жаҳон туризм ташкилоти (WTO) кўмагида ташкил этилган еттинчи Тошкент халқаро сайёҳлик кўргазмаси очилди ва минтақада энг нуфузли бўлган ушбу анжуманда ўн беш мамлакатдан 200 дан зиёд компания иштирок этмоқда.**

- **1998 йилда АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарини портлатишда айбланган 4 нафар судланувчи суд ҳукмига биноан умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилди.**

- **Берлинда бўлиб ўтган шаҳар парламентига сайловларда Германия социал-демократик партияси энг кўп овоз тўплади.**

- **Индонезиянинг Косто шаҳарчасида христиан ҳамда мусулмон динига эътиқод қилувчилар ўртасида юз берган низоли тўқнашув натижасида 8 киши ҳалок бўлган.**

- **Словакия Республикаси ҳукумати хорижлик фуқароларга давлат стипендияларини ажратиш тўғрисидаги дастур доирасида 2001-2002 ўқув йили учун ўзбекистонлик талабаларга магистратура ва докторантурада таҳсил олишга маблағ ажратди.**

Биз "Uzluksiz ta'lim" журналидан содда, дарс жараёнида қўллаш мумкин бўлган, ўқувчи ва ўқитувчи имкониятларини ҳисобга олиб йўлланма берадиган илмий-услубий мақолалар кутамиз.

Фонд иши жонлантирилса, унинг ёрдамида тадқиқот ва изланишлар ечимини, янгилигини аниқлаш, ихтирочилик таклифларини расмийлаштириш ва унинг аҳамиятини синтез қилишда методик ёрдам олиш мумкин бўлади.

ЯНГИ ЖУРНАЛНИНГ ИЛК СОНИ ЧИҚДИ

Сиз ундан нималарни кутаяпсиз?



"Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида мамлакатимизда жорий этилаётган узлуксиз таълим тизими нафақат ташкилий-тузилмавий жиҳатдан, балки таълим турлари ўртасидаги узвийликни, давомийликни таъминлайдиган мазмуний янгиланишларни ҳам тақозо этади. Ҳозирда айнан шу мақсадга хизмат қиладиган давлат таълим стандартлари ҳамда талаблар барча таълим турлари учун ишлаб чиқилиб, уларга асосан ўқув дастурлари яратилган бўлса-да, таълим жараёнининг доимий такомиллашиб, ривожланиб бориши нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак бу борада ҳали кўп изланишлар, тадқиқотлар қилиниши ва улардаги янгиликлар пешма-пеш амалиётга татбиқ этила бориши зарур.

Бугун илк сони қўлингизга теккан — "Uzluksiz ta'lim" (илмий-услубий) журналининг ўз олдига қўйган асосий мақсади ҳам айнан шу борада барча таълим ходимларига кўмак беришдир. Унинг биринчи сонида шу йилнинг июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган республика ўқитувчиларининг 1-конференцияси материаллари ўрин олган. Мамлакатимизнинг барча таълим турларида фаолият кўрсатаётган энг илғор педагоглар, ходимлар иштирок этган ушбу "Бош педагогик кенгаш"да таълим тизимидаги барча ютуқ ва муаммолар, камчиликлар муҳокама қилиниб, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар мундарижаси белгилаб олинган эди. Шунинг учун ҳам "Uzluksiz ta'lim" ўзининг илк фаолиятини айнан шу мазмунда бошлаганида ҳам рамзий маъно бор. Негаки унинг навбатдаги сонларида юқорида таъкидланган муаммою камчиликларга барҳам беришга, олдиндаги вазифаларни кўнгилдагидек адо этишга ҳам назарий, ҳам амалий ёрдам берадиган илмий фикр-мулоҳаза, таклиф ҳамда тажрибаларни ёритиб бориш мўлжалланган.

Албатта, ҳар бир маҳсулот ҳозирги кунда унга бўлган талаб, эҳтиёж жиддий ўрганилган ҳолда чиқарилаётганини инобатга олиб, биз ҳам ўз истеъмолчиларимиз истаклари билан қизиқдик:

Паёз МУСАЕВ, педагогика фанлари номзоди:

— *"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" иккинчи босқичи таълим самарадорлигига, сифат ўзгаришга йўғрилган изланиш ва саъйи ҳаракатлар устуворлигига асосланар экан, бунда вақтли матбуотнинг аҳамияти янада ортади, десам янглишмайман. Дарҳақиқат, мустақилликка қадар таълим тизими тасарруфида битта журнал ва иккитагина газета чоп қилинган бўлса, эндиликда ушбу соҳага тааллуқли журналларнинг ўзи бештага етди. Бироқ, журналлар сонининг кўпайишига ҳамоҳанг тарзда уларнинг ихтисослашувини ҳам таъминламоқ мақсадга мувофиқ. Жумладан, "Uzluksiz ta'lim" журнали саҳифаларида асосан дидактик муаммолар ҳамда улар ечимига бағишланган мақолалар ўрин олиши жоиз.*

Сир эмаски, таянч ўқув режадаги ўқув фанлари сони кўпайиши кузатилмоқда. Бу эса ўз ўрнида хориж тажрибасида ўзини оқлаётган таълим мазмунининг интеграциялашуви(фанлар уйғунлашуви)га эътиборни қаратишимиз, бу борадаги янгиликларни ўрганишимизни тақозо этади. Зеро, шу борадаги изланишлар, баҳслар, қарашлар журнал саҳифаларидан ўрин олмоғи лозим.

Гарчи дарсликларнинг иккинчи авлоди истеъфода қилинаётган бўлса-да, уларни такомиллаштириш, зарурияти, тақрорланишлардан ҳоли қилиш кўзга ташланмоқда. Умумий ўрта таълим мақсад вазифаларининг ўқув фанларо тақсимланишига аниқлик киритиш эҳтиёжи туғилмоқда.

Маълумки, таълим жараёни ўзига хослик, хилма-хиллик ва ижодкорликни ўз ичига оладиган сифатий ҳодисалар мажмуаси экан, таълимий фаолиятнинг пировард натижасини аниқлаш мураккаб ишлигича қолмоқда.

Предметлар, жараёнлар ва ҳодисаларнинг сифатини миқдорий ифодалаш, моделлаштириш таълим амалиётида янги йўналишлардир. Шу йўналиш бўйича янги педагогика ва унинг муҳим бўлимларидан бири математик ва кибернетик услубларга асосланган педагогик квалиметрия шаклланмоқда. Эндигина ривожланаётган бу йўналишнинг ихтиёрида стандарт меъёрлари истефодасини назорат қилишда қўлланиладиган воситалар, меъонлар, афсуски, етарли эмас. Зеро, бу борадаги ҳар қандай янгликни тарғиб қилиш ниҳоятда фойдали.

Хуллас, давлат таълим стандартлари ҳамда дарсликлар билан бевосита шуғулланаётган амалиётчиларнинг қимматли фикр-мулоҳазалари, тажрибаларининг ушбу журналда мунтазам бериб борилиши ниҳоятда муҳим.

Маҳмуда ВАЛИЕВА, Юнусобод туманидаги 274-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт ўқитувчиси:

— *"Uzluksiz ta'lim" журналида барча фан ўқитувчиларига ёрдам берадиган услубий маслаҳатлар, ноанъанавий дарс ишланмалари, тадбирлар сценарийлари, тест топшириқлари, илғор тажрибалар берилишини истаймиз. Айтайлик, Алишер Навоий ижоди деярли барча таълим турларида ўрганилади. 5-синфда "Маҳбуб ул-қулуб", 6-синфда "Ҳайрат ул-аброр" достонидан парча, рубоийлари, 7-синфда "Салотин бобида", "Меҳр ва Суҳайл", 8-синфда ғазаллари, 9-синфда "Хамса" ва ҳоказо... Қанийди, "Uzluksiz ta'lim" журнали навоийшунос олимлар суҳбатлари орқали ўқувчиларнинг, талабаларнинг ёши, психологиясига мослаб қайси мавзуни қачон ва қанчалик мураккаблик даражасида тушунтириш лозимлигини ёритиб берса. Тўғри, Навоий ҳақида илмий, бадиий асарлар жуда кўп, аммо ўқитувчи қай бири қайси синфга мослигини доим ҳам ажратавермайди.*

Айни вақтда шуни унутмаслик керакки, бу мақола ва ишланмалар "илм — илм учун" тамойилида эмас, балки "илм — амалиёт учун" тамойилидан туриб тайёрланса ва сараланса.

Айрим журналларимизда аспирант, илмий ходим, фан докторларининг мақолаларига кўплаб жой ажратилмоқда. Бу илмий мақолаларда умумий катта бир мавзуни бир мақолада сингдиришга ҳаракат кучли. Натижада ўқитувчи мақоладан амалиётда камдан-кам ҳолларда фойдаланиши мумкин. Биз "Uzluksiz ta'lim" журналидан содда, дарс жараёнида қўллаш мумкин бўлган, ўқувчи ва ўқитувчи имкониятларини ҳисобга олиб йўлланма берадиган илмий-услубий мақолалар кутамиз.

А. РАҲИМОВ

P.S. Мазкур журналнинг ташкил этилиши арафасида ("Маърифат" газетаси 2001 йил 16 май) унинг мақсад-мазмунидан келиб чиқиб, "Энг яхши мақола" учун танлов эълон қилган эдик. Бироқ унга келган мақолаларнинг аксарият қисми одатий ҳисобот шаклида бўлиб қолган. Уларнинг танлов талабларига жавоб берадиганлари сараланиб, журналнинг навбатдаги сонларида чоп этиш учун тайёрланмоқда. Шу ўринда педагогика соҳасида фаолият кўрсатаётган олимларимизни, тадқиқотчиларни, амалиётчиларни ижодий ҳамкорликка чорлаб қоламиз.

OBUNA-2002

—мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотлар мазмунидан воқиф бўлай десангиз;

—дарсларингизни замонавий педагогик технологиялар асосида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан самарали ташкил этай десангиз;

—жаҳон педагогикаси янгиликларидан бохабар бўлишни хоҳласангиз "Uzluksiz ta'lim" журналига обуна бўлинг.

Нашр индекси:

993-якка обуначилар учун.
994-ташкилотлар учун.

Ma'rifat маслаҳатхонаси

Бухоро вилояти, Қоракўл тумани 32-мактаб ўқитувчиси Ф.Мамат-қуловдан

САВОЛЛАР:

1. Ишлаётган касб касаллиги бўйича II гуруҳ ногиронлари иш ҳақидан даромад солиғи олинадими?

2. II гуруҳ ногиронлари учун қандай имтиёз бор?

3. Дам олиш ва даволаниш учун бепул йўлланмалар борми, бўлса кимларга берилади?

ЖАВОБЛАР: 1. Ишлаётган касб касаллиги бўйича II гуруҳ ногиронлари иш ҳақидан даромад солиғи олинади (энг кам миқдордаги иш ҳақининг 4 бараваридан ошганда).

2. II гуруҳ ногиронлари учун қуйидаги имтиёзлар мавжуд: Қуролли кучлар сафида ҳарбий хизмат ўтаётган даврда ногирон бўлган шахслар, умумий касалликдан ногиронлар, меҳнат ва касб касаллиги ногиронлари:

— мол-мулк солиғидан озод этиладилар;

— ер солиғидан озод этиладилар;

— давлат профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиладилар;

— соғлиғини тиклаш учун ҳар йил товон пули олиш ҳуқуқига эга (энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида, фақат ЧАЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашиб ногирон бўлган шахслар).

3. Сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига доир: Сиҳатгоҳ йўлланмасини ҳар йили бепул олиш ҳуқуқига — жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлари ва уларга тенглаштирилганлар эгадирлар.

— Жанговар ҳаракатларда иштирок этган жангчилар;

— Қуролли кучлар сафида ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришда ногирон бўлган шахслар;

— Республика миқёсидаги шахсий пенсионерлар бу ҳуқуққа эгадирлар.

Йўловчи ташиш транспортида юришга доир: I ва II гуруҳ уруш ногиронлари, темир йўл транспортида бепул, ҳаво ва шаҳарлараро автомобиль транспортида чипта нархи 50 фоиз арзонлашган нархда юриш ҳуқуқига эгадирлар.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

ИНСОН УЧУН ТУГАНМАС БАХТ

Куни кеча Республика таълим марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари Илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган "Давлат тили тўғрисида"ги қонун қабул қилинганининг 12 йиллиги муносабати билан "Истиқлол ва она тили таълимининг долзарб масалалари" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда РТМ, директор Г. Алимова иштирокчиларни ушбу байрам билан табриклаб, она тилимизга бўлаётган ҳурмат, эътибор йилдан-йилга ошиб бораётганлигини таъкидлади.

— Барчамиз миллий истиқлол ғоясини ҳаётга тадбиқ этиш, бу мафкурани ёшлар онгига сингдиришдек шарафли ишга бош қўшар эканмиз, — деди ЎзМУ доценти А.Рафиев. — Келажак авлодга миллий қадриятларимизнинг асоси саналмиш она тилимизни пухта ўрганиш, унинг софлигини сақлаш, бойитиш кераклигини англатишимиз лозим.

Дарҳақиқат, миллий тилни онага қиёслаб "Она тилимиз" деймиз. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, у бизнинг тафаккуримизни, маънавиятимизни онадек тарбиялаб, катта йўлга олиб чиқади. Шундай экан, ҳар биримиз она тилимизнинг фарзандлари бўлибгина қолмай, айни чоғда унинг яратувчиси, бойитувчисимиз.

"Ўз миллий тилининг кучи ва фасонасини англаб турмоқликда ҳам инсон учун туганмас бахту саодат бор", деган эди таниқли адиб Иброҳим Ғафуров. Ана шу бахт-саодат бизни тарк этмаслиги учун ҳар биримиз она тилимизни ҳурмат қилишимиз, уни бойитишимиз, софлиги учун курашмоғимиз керак.

Акмал ИСЛОМОВ

«ТИЛ — МАЪНАВИЯТ ВА ТАФАККУР КЎЗГУСИ»

Йўлдош Охунбобоев номли тиббиёт коллежида "Тил — маънавият ва тафаккур кўзгуси" деб номланган кеча бўлиб ўтди. Кечада Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муҳаррири Эркин Малик, "Ҳуррият" газетаси бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад иштирок этдилар. Кечада улуғ шоир, мутафаккир, ўзбек тили асосчиси Алишер Навоийга, ўзбек мумтоз шоирларига бағишланган кичик саҳна кўринишлари билан бирга талабалар шеър, қўшиқ, рақслар ижро этишиб, ўз маҳоратларини намоён этдилар. Кеча сўнгида шоир ва ёзувчилар Давлат тили ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Насиба МУҲИБОВА,
коллеж ўқитувчиси

БАЙРАМ ДАВОМ ЭТАДИ

Куни кеча Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги 56-ўрта мактабда ҳам тил байрами бўлиб ўтди. Мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Солижон Худоёров ташкил қилган тадбирда "Ким кўп тил тўғрисида мақол билади?" танлови ўтказилди. Танловда 9-"А" синф ўқувчиси Элёр Исаев ғолиб чиқиб, пул мукофоти билан тақдирланган бўлса, иккинчи ўринни олган 10-"Б" синф ўқувчиси Зилола Муродова ҳамда 3-ўрин соҳиби, 5-"А" синф ўқувчиси Луқмон Шовқиевлар эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Мухбиримиз

ЎҚУВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Қўқон шаҳри ўзининг қадимий ва бой анъаналарига эга. Ана шундай анъаналардан бири ҳашардир. Бу шаҳарда яшовчи инсонлар камтар, бир-бирларига камарбаста кишилардир. Бу одат наслдан-наслга ўтиб келмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида шаҳар ўзгача тус олмоқда.

Яқинда ҳимматлилар яна бир савобли ишга қўл урдилар. Шаҳар ХТБга қарашли 36-мактаб 1964 йилда мослаштирилган бинода фаолият бошлаган эди. Бугунги кунга келиб бу бино талабга жавоб бермай қолди. Чунки, мавжуд 22 та синф хоналарида 52 та синфдаги 1400 нафар ўқувчи ўқиётганлиги боис, дарслар 2, ҳатто 3 навбатда олиб борилмоқда, бунинг оқибатида таълим-тарбия жараёнини бугунги талаб даражасида олиб бориш имконияти анча мушкул аҳволга тушиб қолган эди.

Мактаб маъмурияти шаҳар халқ таълими бўлими, шаҳар ҳокимлигига чиқиб, шу масалада ёрдам беришларини сўради. Жамоанинг талаби шаҳар ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди ва шу мактабга яқин ҳудудда жойлашган, ҳозирда қаровсиз қолган шаҳар қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасига қарашли болалар боғчаси биноси танланди. Янги тайинланган мактаб директори З.Эгамованинг елиб-югуришлари, ШХТБ раҳбарияти, қолаверса, ҳокимликнинг яқиндан кўрсатган ёрдами туфайли боғча биноси тез фурсатда мактаб учун мосланиб, таъмирдан чиқарилди. Савобли ишни бажаришда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси (раҳбари Н.Отажонов), "Вагондепо" жамоаси (раҳбари М.Деҳқонов), "Локоматив депо" (раҳбари М.Эгамов), "Пишган ғишт" хусусий корхонаси (раҳбари Э.Эргашев)нинг хизмати катта бўлди. Асосий ҳомийлик қилган шаҳар ИИБга қарашли қўриқлаш бўлинмаси (бошлиғи А.Калонов) ходимларининг хизматларидан ҳам жамоа аҳли, ўқувчилар ва ота-оналар миннатдор бўлдилар.

Яқинда 10 миллион сўмдан зиёд маблағ сарф қилинган ва 24 синф хонаси, спорт, мусиқа хоналари, алоҳида иситиш тармоғига эга бўлган мазкур қўшимча бино фойдаланишга топширилди.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ

БОЛАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Тошкент шаҳар ИИББ маданият марказида Миробод туман халқ таълими бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда туман Болалар ташкилоти ҳамкорлигида "Гуруримсан, онажон тилим" деб номланган болалар фестивали ўтказилди. Фестиваль ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 12 йиллигига бағишланди. Тумандаги барча мактаблар ўқувчилари ўзларининг мусиқий чиқишлари ва кўргазмалари билан қатнашдилар. Шунингдек, 213-мактаб қошидаги шеърият ва журналистикага ихтисослашган "Наъматак" адабий тўгараги аъзолари шеърларидан тўпланган "Наъматак гунчалари" номли китобнинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Фестиваль қатнашчиларининг асосини рус тилида сўзлашувчи ўқувчилар ташкил қилди. Улар ўзбек тилида адабий саҳна кўринишлари намойиш этдилар, Навоий, Бобур ва бошқа шоирларнинг ғазалларидан ўқидилар.

Дастур ниҳоясида муассислар томонидан ажратилган совғалар болаларга топширилди.

Мадамин БОЙМАТОВ

ТУМАНДА — «МАТЕМАТИКЛАР ЖАМИЯТИ»

Халқ таълимини ривожлантиришнинг энг муҳим омили—изланувчанликдир. Изланиш ва тадбиркорлик бор жойда тараққиёт камол топаверади. Булоқбоши туман халқ таълими бўлимида ташкил этилган "Математиклар жамияти" фаолиятини кўриб юқоридаги фикрларнинг нечоғли тўғри эканлигини англадик.

2000 йилда тумандаги энг фидойи, изланувчан математика ва информатика ўқитувчилари туман мактабларида математика ўқитишни яхшилаш, ўқувчиларнинг математика ва информатика фанларига бўлган қизиқишларини ошириш, математика ўқитувчиларига услубий ёрдамлар уюштириш, мазкур фанларни ўқитиш борасидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида туман математиклар жамиятини туздилар.

2001 йилнинг январь ойидан буён математиклар жамиятининг "Алгоритм" деб номланган 6 та илмий-услубий тўплами нашр этилди. Мазкур тўпламларда туманда математика фанини ўқитишни яхшилашга ҳисса қўшган марҳум ўқитувчилар хотирланиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар бериб борилмоқда. Шунингдек, тўпламда қизиқарли мисол ва масалалар, илғор тажрибалар, дарсларни яхшилашга оид таклиф ва мулоҳазалар ҳам бериб борилмоқда.

Математиклар жамиятининг Низомига мувофиқ жамиятга аъзо бўлган ҳар бир муаллим бир ойда энг кам иш ҳақининг икки фоизи миқдорида аъзолик бадали тўлаб боради. Йиғилган маблағ эса жамият ишини ривожлантириш ва тўпламларни мунтазам чоп этишга сарфланади.

Яқинда математиклар жамиятининг I-пленуми ўтказилди. Унда жамиятга аъзо бўлган 200 га яқин муаллимлар иштирок этиб, туманда математика ва информатика ўқитишни яхшилашга оид муҳим масалаларни ҳал қилдилар. Шу билан бирга жамият ишини янада ривожлантириш бўйича ҳам баъзи масалалар келишиб олинди.

О.СИДДИҚОВ

КЕЛАЖАКДА АҲАМИЯТИ ЙЎҚОЛМАЙДИГАН ФАН

Информатика фани бутун жаҳонда бўлгани каби бизнинг мамлакатимизда ҳам ривожланаётган ва кундалик ҳаётимизга чуқур сингиб бораётган фандир.

Бугунги кунда турмушимизга шиддат билан кириб келаётган ва уни забт этаётган замонавий технология воситалари бўлмиш компьютерлар информатика фанининг маҳсули эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Инсон яратган ҳар қандай техника кундан-кунга такомиллашиб бормоқда. Дастлабки яратилган компьютер нақадар катта жойни эгаллаган ва уни ишлатиш анчамунча оғир кечган бўлса, бугунги ЭҲМ авлодлари шу қадар ихчам ва қулайки, уни ҳатто чўнтакда олиб юриш ҳам мумкин.

Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги УМКҲТ Маркази ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соглом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда информатика фани бўйича республикамизнинг 10 йиллигига бағишланиб ўтказаётган "Узбекистон—тараққиёт сари" кўрик-танлови ҳақида "Маърифат" газетасининг 2001 йил 19 сентябрь сонидаги эълонни ўқиб, менда ҳам ушбу танловда иштирок этиш иштиёқи пайдо бўлди. Ва мен танловда ўқув компьютер программалари, амалий программалар, информатика олимпиадаси, кийбординг мусобақаси, оригинал жанр каби номинациялар бўйича қатнашишга қарор қилдим. Айни кунда геометрия фанидан "Геометрик шакллар" ўқув компьютер дастури ҳамда "Узбекистон 10 ёшда" амалий программасини ишлаб чиқдим.

Мен ушбу информатика байрамида ўзимнинг қатнашишим баробарида бошқа тенгдошларимнинг ҳам иштирок этишларини ва танловнинг қизғин ва одилона ўтишининг таъминланишини истардим. Зеро, информатика келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайдиган фандир.

Нозимжон МАДРАҲИМОВ,
Андижон вилояти Марҳамат шаҳридаги 3-физика-математика лицейи ўқувчиси

Milliy dastur — amalda

УНИВЕРСИТЕТ САЛОҲИЯТИ

Университетлар доимо илму фанни ривожлантиришда асосий таянч бўлиб хизмат қилиб келган. Фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг аксарияти университетларнинг илмий лабораторияларида амалга оширилади. Бунда нафақат профессор-ўқитувчилар жамоаси, балки университетларнинг талабалари ҳам фаол иштирок этмоқлари лозим бўлади. Жумладан, Қарши Давлат университетининг профессор-ўқитувчилари кўплаб илмий муаммолар устида иш олиб бормоқдалар. Қатор кафедраларда талабалар фаоллигини кузатиш мумкин.

1985 йилдан буён жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиб келаётган университетимиз ёш ихтирочилари жамияти (УЁИЖ) 200 дан ортиқ олимлар, муаллимлар, иқтидорли талабалар ва муҳандис-техник ходимларни бирлаштирган ҳолда иш олиб боради. Жамият аъзоларининг ижодий ютуқлари халқ хўжалигининг турли тармоқларига жорий этилиб, самарали иқтисодий ютуқларга эришиляпти. Чунончи, физика-техника факультетининг касб таълими, иссиқлик физикаси, умумий физика, астрономия ва физика ўқитиш методикаси кафедралари, математика факультетининг информатика ва ҳисоблаш техникаси кафедраси, табиатшунослик факультетининг кимё, ботаника, физиология, зоология, экология ва тупроқшунослик кафедраси олимлари иқтидорли ёшлар ҳамда талабалар билан ҳамкорликда бир қатор қизиқарли илмий-амалий ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, касб таълими, физика, иссиқлик физикаси кафедраси олимлари ва физика-техника факультетининг юқори курс талабалари иссиқлик аккумуляторли қуёш иссиқхоналари, мева қуритгичлари, пахта ва донадор қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритишга мўлжалланган янги конструкцияларни ишлаб чиқдилар. Бу конструкциялар лойиҳалари ЎзРФТДҚнинг Патент идорасига юборилиб, 2000 йил 4 та дастлабки патент олинди ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Ёш ихтирочилар" конкурсида совринли ўринни эгаллади.

А.Вардиашвили, Ғ.Ҳалимов, С.Ёқубов, Т.Жумаев, И.Бобожонов каби олимлар Муборак газни қайта ишлаш заводи муҳандис-техниклари ва технологлари билан ҳамкорликда олтингугурт ишлаб чиқариш жараёнида металларнинг сиртини емирилишдан асрашни такомиллаштириш ва қотган олтингугуртни доналарга айлантириш қурилмалари ҳамда қувурларда содир бўладиган гидрозарбни йўқотиш хусусида бош қотиришяпти.

Университетимизнинг кўпгина кафедралари илмий тадқиқот ишларини ишлаб чиқариш билан боғлаш, ихтирочилик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштириш мақсадида хўжалик шартномалари тузиб иш юритмоқдалар. Жумладан, физика-техника, математика, кимё ва табиатшунослик факультетларининг профессор-ўқитувчилари 2001-2002 йилларга Шўртан ва Муборак газни қайта ишлаш заводлари, Қашқадарё электр тармоқлари корхонаси, Қашқадарё вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш идораси билан хўжалик шартномаси тузишган.

Университетимиз қошида хўжалик ҳисобидаги иссиқхона комбинати ва вилоят моддий-техника таъминоти базаси билан ҳамкорликда "Заррин нур" илмий ишлаб чиқариш маркази тузилиб, унинг асосий мақсади илмий тадқиқотчилар ва олимлар тадқиқотлари самарасини ҳамда фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратилгандир.

Иқтидорли талабаларни илмий тадқиқот ишларига кўпроқ жалб этиш мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишнинг тан олинган йўлларидан биридир. Ижодий уюшмалар, конструкторлик марказлари, ёш ихтирочилар тўгарагига қатнашиб юрган талабалар бор. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси таркибида ўз фаолиятини юритаётган Давлат Патент идораси мутахассислари патент ҳуқуқи соҳасидаги ҳужжатларнинг амал қилиниши билан боғлиқ қонун ислоҳотлари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқларини расмий ахборотномада ёритиб, доимий равишда ёш ихтирочиларга яқиндан ёрдамлашиб, консультациялар уюштиришяпти.

Университетимиз ихтирочиликни ривожлантириш учун етарли даражадаги кадрлар салоҳиятига эга. Патент бўлимининг очилиши, информацион жамғарманинг ташкил этилиши бу борадаги саъй-ҳаракатларни бошқариб турибди. Агар вилоят патент идораси томонидан бериладиган таклифлар қўллаб-қувватланса, яқиндан ёрдам кўрсатилса, бу фондга амалий ёрдам кўрсатиш ташкил этилса, у Қашқа воҳасининг интеллектуал мулк соҳиблари учун таянч база бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Республика Давлат Патент идорасининг вилоят бўлими раҳбарияти билан бўлган мулоқотимизда шу нарса маълум бўлдики, бундай фонд ҳудудда ягона. Фонд иши жонлантирилса, унинг ёрдамида тадқиқот ва изланишлар ечимини, янгилигини аниқлаш, ихтирочилик таклифларини расмийлаштириш ва унинг аҳамиятини синтез қилишда методик ёрдам олиш мумкин бўлади.

Ақл, билим, тафаккур "мева"си, аввало, шахснинг ўз манфаатига хизмат қилса, айни вақтда бу жараён жамият ривожини ҳам тезлаштиради. Модомики, шундай экан, ихтирочиликни ривожлантиришга янгича кўз билан қараб, юқорида зикр этилган ишларни амалга ошириш зарур бўлади. Чунки Ўзбекистон ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидан бораётир.

Б.ХАЙРИДДИНОВ,
Қарши Давлат университети илмий ишлар бўйича ректор муовини, профессор,
Ғ.ҲАЛИМОВ,
университет ёш ихтирочилар марказининг бошлиғи

Кўмакчи, ёрдамчи феъл, юклама каби сўз шаклларини пухта ўзлаштирмасдан сўзларни ажратиб ёзиш амалларини ўрганиб ёдда сақлаш мумкин эмас.

Болалар ақлий фаолиятни ривожлантирувчи ўйинлар (мозаика ясаш, расм чизиш, аппликация, лойдан ёки хамирдан турли нарсалар ясаш) билан шуғулланиш баробарида ўйин тарзида корейс ёки инглиз тилини ўрганишади.

YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

18-дарс
Сўзларни ажратиб ёзиш қоидалари

Сўзларни ажратиб ёзиш қоидалари тилдаги ёрдамчи сўзлар, турли грамматик шакл тўғрисидаги билимларга асосланади. Шунинг учун ҳам кўмакчи, ёрдамчи феъл, юклама каби сўз шаклларини пухта ўзлаштирмасдан сўзларни ажратиб ёзиш амалларини ўрганиб ёдда сақлаш мумкин эмас. Ўтган дарсимизда таъкидлаганимиздек, сўзларни қўшиб ёзишда ҳар икки сўзнинг яхлит бир тушунчани англатиши назарда тутилса, ажратиб ёзишда сўзга юкланадиган қўшимча маъно ифодасига асосланиш тўғри бўлади. Аммо бундай ёндошув ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар яхлит тушунчани, маънони ифодаламайди дегани эмас. Шуни унутмангки, ажратиб ёзишда сўзларнинг маъно муносабати ҳам, сўз ёки грамматик шаклнинг вазифаси ҳам муҳим роль ўйнайди. Буни ажратиб ёзиш қоидаларини шарҳлашимиз жараёнида аниқроқ тушуниб оласиз.

Маълумки, ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларнинг кўпчилигини қўшма феъллар ташкил этади. Феълнинг аналитик шакли деб номланувчи бундай қўшма феъллар асосий ва ёрдамчи қисмлардан иборат бўлади. Ёрдамчи қисм сифатида асосан кўмакчи феъллар ва тўлиқсиз феъллар фаол қатнашади. Қўшма феълларни ажратиб ёзишда бундай ёрдамчи феъл шаклларини ажрата олиш малакасига эга бўлиш тақозо этилади. Шунга кўра, қўшма феълларнинг қуйидаги шакллари ажратиб ёзилишини эсда тутинг:

1. От билан кўмакчи феълнинг қўшилиши орқали ясалган қўшма феълларнинг қисмлари ажратиб ёзилади: Масалан, **talab et, shifo top, xizmat qil, tamom bo'l, zehn sol** *каби.*

2. Асосий феъл билан кўмакчи феълнинг бирикувидан ҳосил бўлган қўшма феъл қисмлари ажратиб ёзилади. Масалан: **sotib olmoq, berib qo'ymoq, qarab turmoq, kelib qolmoq, bormay qo'ymoq, tuzata bilmoq** *каби.*

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, бундай сўзлардаги асосий феъл равишдош шаклида бўлади. Бундай тузилишдаги қўшма феълларда асосий феъл ҳамиша кўмакчи феъл-дан ажратиб ёзилишини унутмаслик лозим.

3. Сифатдош шаклидаги асосий феъл ва мустақил маънога эга бўлмаган тўлиқсиз феълнинг қўшилувидан ҳосил бўлган қўшма феълнинг қисмлари ажратиб ёзилади. Масалан: **ko'rgan ekan, o'qigan edi, eshitgan emish, olgan emas** *каби.*

Аммо асосий феъл билан кўмакчи феъл қўшилиши натижасида бирор товушнинг ўзгариши ёки тушиши рўй берса, бунда қисмлар ўзаро қўшиб ёзилади. Қаранг: **kula ber>kulaver, ko'ra olmadi>ko'rolmadi, ketar emish> ketarmish, bilar ekan>bilarkan** *каби.*

Ажратиб ёзилиши лозим бўлган қўшма отлар ҳам тилимизда анчагина. Бундай сўзларнинг қисмлари турли кўринишда ўзаро боғланган бўлади. Шу нуқтаи назардан қуйидаги ҳолатларга диққат қилинг:

— биринчи қисми сифат, иккинчи қисми атоқли от бўлган қўшма отлар ажратиб ёзилади. Масалан: **O'rta Osiyo, Quyi Chirchiq, Sharqiy Sibir, Eski Jo'va** *каби.*

— рус тилидан таржима қилиш орқали ўзлашган сўз бирикмаси шаклидаги атамаларнинг айримлари ажратиб ёзилади. Масалан: **qishloq xo'jaligi, temir yo'l, ish haqi, ishlab chiqarish, bosh miya** *каби.*

— ифодали бирикмалар ажратиб ёзилади. Бундай бириктмаларда ифоданинг қўшимчаси ундош билан тугаган сўзларга **i** *шаклида, унли билан тугаган сўзларга* **yi** *шаклида қўйилади. Масалан:* **tarjimayi hol, oynayi jahon, dardi bedavo, shahri azim, nuqtai nazar, qat'i nazar** *каби.*

— биринчи қисми чиқиш келишигида, иккинчи қисми жўналиш келишигида бўлган, давомийлик, изчиллик маъноларини ифодаловчи отли бирикмалар ажратиб ёзилади. Масалан: **tomdan tomga, uydan uyga, kundan kunga, yildan yilga** *каби.*

Сўзларнинг ажратиб ёзилишида салмоқли ўринни мустақил маънони англатмайдиган ёрдамчи сўзлар эгаллайди.

Муайян грамматик маънони ифодалаш учун кўмакчи, юклама, сифатнинг даража шаклини кўрсатувчи шакллар қўлланганда бунинг натижасида ҳосил бўлган қўшилмалар доимо ажратиб ёзилади. Бундай ҳолатларни кўриб ўтамиз.

1. Кўмакчилар билан қўлланган сўзлар ўзаро ажратиб ёзилади. Масалан: **kuch bilan, soat sayin, opam uchun, bu qadar, tun boyi, o'zi kabi, gapdan ko'ra, ishdan boshqa** *каби.*

2. Қўшма равишларни ҳосил қилишда қатнашувчи **hamma, har, hech, bir, qay, u, bu, shu, o'sha** *сўзлари ўзи боғланган сўздан ажратиб ёзилади. Масалан:* **hamma vaqt, har zamon, hech qachon, bir yo'la, bir talay, qay kuni, u yoqda, bu yerda, shu damda, o'sha yo'qdan** *каби.*

Bir *сўзининг* **biroz, birpas, birato'la, birmuncha, birvarakay** *сўзларида қўшилиб ёзилиши тўғрисида олдинги дарсимизда тўхталган эдик.*

3. Қўшма сифатларнинг қуйидаги кўринишлари ажратиб ёзилади:

а) белгининг ортиқ ёки камчилигини билдириш мақсадида сифат олдида қўлланиладиган **liq, lang, och, jiqqa, tim, to'q** *сўзлари сифатдан ажратиб ёзилади. Масалан:* **liq to'la, lang ochiq, och pushti, jiqqa ho'l, to'q qizil** *каби.*

б) — dan қўшимчаси воситасида сўзни такрорлаш натижасида белгининг ортиқлигини ифодаловчи бирикмалар ҳам ажратиб ёзилади.

Масалан: **ochiqdan ochiq, qo'poldan qo'pol, ko'pdan ko'p, to'g'ridan to'g'ri, yangidan yangi** *каби.*

4. Қўшма ва мураккаб сонларнинг барча қисмлари бир-биридан ажратиб ёзилади.

Масалан: **o'n sakkiz, besh yuz oltmish ming, bir ming to'qqiz yuz ellik ikki** *каби.*

Юқорида кўриб ўтганимиздек, қўшма сўз ва бошқа турдаги сўз қўшилмаларининг ажратиб ёзилиши таркибий қисмларининг тузилишига боғлиқ экан. Демак, сўзларни ажратиб ёзишни пухта эгаллашда уларнинг маъно муносабатига, мустақил маъноли асосий сўз билан ёрдамчи маъно ёки грамматик маъно ифодаловчи кўмакчи сўзни ажрата билишга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

1-топшириқ. *Иккинчи қисми кўмакчи феълдан иборат бўлган қўшма феълларга мисоллар топинг ва уларни биринчи қисми от ёки феъл бўлишига қараб икки устунга ажратиб ёзинг.*

Намуна: ***ijro etmoq — qarab turmoq***
ravnaq topmoq — o'zib ketmoq

2-топшириқ. Bir *сўзи билан ясалган қўшма сўзларнинг рўйхатини тузинг. Қўшиб ва ажратиб ёзилиши сабабларини изоҳланг.*

Абдурозиқ РАФИЕВ,
ЎзМУ кафедра мудири,
филология фанлари
номзоди, доцент

КИЧИК БИР ШАҲАРЧА

Эшитишимча, Ўзбекистонда ҳам бошқа хорижий мамлакатлардагидек бир нечта чет эл давлатларининг мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатаётган экан. Улар ҳақида аниқ ва батафсил маълумот олиш учун Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонасига мурожаат қилдим. Элчихонадан Тошкентдаги "Корейс таълим маркази" қошида мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатиб келаётганини аниқладик. Болалар боғчасига ташриф буюрар эканмиз, тарбиячилар Татьяна Ли ва Надежда Пакларни учратдик. Улардан боғчанинг ташкил топишидан бошлаб ҳозирги кунга қадар қилинган ишлар ҳамда келажакдаги режалар ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Мазкур болалар боғчаси Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги вакилининг рафиқаси миссис Ким ташаббуси билан 1999 йил 5 январдан ўз фаолиятини бошлади. Боғчамизда асосан кореяликларнинг фарзандлари тарбияланаётир. 3-4 ёшдаги болалар ўрта гуруҳга, 5-6 ёшдагилар эса тайёрлов гуруҳига ажратилади. Болалар ақлий фаолиятни ривожлантирувчи ўйинлар (мозаика ясаш, расм чизиш, аппликация, лойдан ёки хамирдан турли нарсалар ясаш) билан шуғулланиш баробарида ўйин тарзида корейс ёки инглиз тилини ўрганишади. Масалан, болаларга бирор сўзни кўрсатиб, унинг маъноси, ундан қачон ва қандай фойдаланиш, шу сўз ёрдамида кичик ҳикоя тузиш, шунингдек, ўша сўз тасвирланган суратни топиб, ўзи ҳам уни чизишга ҳаракат қилишини таклиф этамиз. Болаларнинг бажарган ишлари, тузган ҳикоялари ва жавобларига қараб уларни мукофотлаймиз.

Боғчамизда бошқа болалар боғчалари сингари турли-туман тадбирлар ўтказилади. Энг севимли тадбирлардан бири уларнинг туғилган кунларидир. Чунки ўша кун боғчада байрамдек нишонланади. Болалар ўйнаб-куладилар, ўртоқларига яхши тилак билдирадилар. Бу орқали оғзаки нутқлари шаклланади. Шунингдек, турли мавзуларга оид эртаклар саҳналаштирилиб, туғилган кун соҳибига гуруҳ номидан туҳфа этилади. Севимли байрамларидан яна бири 5 май — Жанубий Корея болалари куни, навбатдагиси эса Янги йил байрамидир. Бу байрамни болалар ва уларнинг ота-оналари билан бирор боланинг уйида нишонлаймиз. Байрамда ота-оналар тайёрлаган совғалар Қорбобо ҳамда Қорқиз ва бир қанча эртак қаҳрамонлари томонидан болаларга улашилади. Ҳар бир тадбирни видеотасмаларга ёздириб, суратга оламиз ва боғчанинг эсдалик китобчасига жойлаб қўямиз.

Болалар бир йилда икки маротаба, яъни қиш ва ёзда дам олиб, кузда спорт мусобақалари ўтказишади. Баҳорда эса маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, музейлар, концерт заллари, театрлар ҳамда ҳайвонот боғларига сайр қиладилар.

Тарбиячилар билан гуруҳларни айланар эканмиз, болажонлар учун яратилган шароитни кўриб, тўғриси, жуда ҳавасимиз келди. Хоналарнинг шинамлиги, эртаклардагидек жиҳозланганлиги, деворларнинг ҳар бир фаслга оид аппликациялар билан безатилганлиги, болаларнинг кун, ой, фаслни аниқлаб боришлари учун тарбиячилар томонидан деворий йилномаларнинг юксак маҳорат билан тайёрланганлиги ҳайратланарли эди.

Татьяна ҳозирда ЎзМУнинг хорижий филология факультетида сиртдан таҳсил олаётир. Келажакдаги орзулари жуда катта, яъни у ўқишни битиргач, Жанубий Кореяда мактабгача таълим мутахассиси касбини эгалламоқчи. Шунингдек, ўзининг хусусий, жаҳон стандартларига жавоб берувчи замонавий халқаро боғчасини очиш ниятида экан. Татьяна Лига улкан омад тилаб, бу кичкинагина шаҳарчани тарк этар эканмиз, ўтказилаётган тадбирлар қаторида 1 сентябрь — Мустақиллик куни, Наврўз байрамлари ҳам нишонланса, айни муддао бўлур эди, деган фикр хаёлимиздан ўтди. Зеро, дунё халқлари бир-бирининг урф-одатларию қадрли байрамларини билиши ва биргаликда шодиёна қилиши ҳам мароқли, ҳам фойдали.

Муҳаббат РАҲИМОВА,
талаба

"ЭНГ ЯХШИ КИТОБ" МУАЛЛИФИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат қўмитаси ва Олий Аттестация комиссияси ўтказган "Мустақиллик йилларида яратилган энг яхши монография" танловида Фарғона Политехника институтининг профессори, физика-математика фанлари доктори Носиржон Юлдашевнинг "Кристалларда экситон-поляритон люминесценцияси ва резонанс нурланишининг кўчирилиши" китоби физика-техника фанлари бўйича ғолиб деб топилди.

Мамлакатимизнинг йирик назариётчи физик олимлари асарни физика фанининг тараққиётига қўшилган улкан ҳисса деб атаб, қаттиқ жисмлар физикаси, микроэлектроника, радиофизика ва энергетика соҳалари мутахассислари ҳамда талабалари учун ажойиб қўлланма эканлигини эътироф этдилар.

Монография профессор Н.Юлдашевнинг аспирантликдан тортиб фан доктори, профессор мартабасига эришгунча бўлган, дастлаб Санкт-Петербургдаги А.Ф.Иоффе номли Физика-техника институтида, сўнгра мустақиллик йилларида Фарғона Давлат университети ва Фарғона политехника институтида олиб борган қарийб 25 йиллик тинимсиз илмий изланишлари натижаси сифатида дунёга келди.

Эътиборли томони шундаки, мазкур китоб, "Ярим ўтказгичлар физикаси"нинг энг замонавий ва фундаментал бўлими бўлган "Экситонлар физикаси"га оид илмий изланишларнинг натижаларини ўз ичига олади. Китоб "экситон" тушунчаси фанга киритилганига роппа-роса 70 йил тўлиши арафасида чоп этилди. Ўтган давр ичида "экситон" тушунчаси, хусусан, ярим ўтказгичлардаги электрон ва тешик жуфтининг электр токи ташишда қатнашмайдиган, бироқ энергия ва импульс кўчирилишида иштирок этадиган боғланган ҳолати билан боғлиқ физик жараёнларни ифодалашга хизмат қилиб келди. Айни пайтда экситонларнинг хоссалари, сифат ва миқдор кўрсаткичлари тўғрисида бир қатор замонавий маълумотлар пайдо бўлди.

Профессор Н.Юлдашевнинг мазкур асарда баён қилган назарияси экситон ва поляритонларнинг математик моделини яратишга хизмат қилади.

Олим томонидан "Сирт-радиацион ва бўйлама экситонлар, ҳамда аралаш экситон-поляритонларнинг интерференцион нурланиш ҳодисаси"нинг кашф этилиши, "Больцман тенгламаси яроқсиз бўлган ҳоллар учун экситон-поляритон люминесценцияси", "Экситонларни импульсли қўзғатишда поляритонларнинг ностационар кўчирилиши" каби назарияларнинг яратилиши, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, замонавий физика ва математик физика фанларининг ривожига қўшилган улкан ҳиссадир.

Н.Юлдашевнинг профессор Э.Абдуллаев билан ҳамкорликда яратган "Қўрғошин ва висмут халькогенидларида пъезоқаршилик эффекти" монографияси (Т., "Фан", 1989), Ғ.Ҳошимов ва Р.Расулов билан ҳамкорликдаги "Квант механикаси асослари" (Т., "Ўқитувчи", 1995) ўқув қўлланмаси олий таълимда муҳим аҳамиятга эга бўлган асарлар сифатида эътироф этилганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Профессор Носиржон Юлдашев ҳозир айни куч-ғайратга тўлиб-тошган, ижодий илҳоми барқ урган паллада Фарғона политехника институтида "Физика" кафедраси мудири лавозимида сидқидилдан фаолият олиб бораяпти. Айни чоғда у иқтидорли ёшлардан келгуси беш йилда 2 нафар фан доктори ва 5 нафар фан номзоди тайёрлаш мақсадида илмий изланишлар кўламини янада кенгайтирмоқда. Олимнинг истиқболдаги орзу-ниятлари таҳсинга сазовордир. Ўз ҳаётий тажрибаларига таяниб "Қизиқарли физика", "Элементар физика", "Умумий физика", "Назарий физика" каби рисола, дарслик ва илмий монографиялар устида ишламоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, профессор Носиржон Юлдашевдек бағри кенг, чин маънода салоҳиятли назариётчи олим билан ёнма-ён, баркамол инсонларни тарбиялаб етиштириш ишида биргаликда меҳнат қилаётганимиз биз ҳамкасблар учун ҳам фахрлидир.

Набижон СОЛИЕВ,
Абдулҳамид ЮСУПОВ,
Фарғона политехника институти доцентлари

ЯНГИ АХБОРОТ БАЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Халқаро терроризм, экстремизм: тушунчалар, тарих ва бугун" ахборот-ресурс базасининг тақдимоти ўтказилди.

— Ушбу ахборот базаси турли гуманитар фанларни ўқитиш ва терроризм, экстремизм, наркобизнес, ноқонуний қурол-яроғ сотиш каби жирканч иллатларнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни тадқиқ этиш билан шуғулланувчи профессор — ўқитувчилар, таҳлилчилар ва тадқиқотчиларга мўлжалланган, — деди лойиҳа раҳбари Алишер Азизхўжаев "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ахборот базасига терроризм ва бошқа муаммоларни кўриб чиқишда юртбошимизнинг асарлари, мамлакатимиздаги бир қанча давлат арбобларининг маъруза матнлари, академиямизда чоп этилган рисолалари, америкалик ва россиялик етакчи сиёсатчиларнинг мақола ва китоблари, шунингдек, ҳуқуқий фанлар учун мўлжалланган мавзуларни ёритишда БМТ ва ЮНДП материалларидан фойдаландик.

Жамиятдаги айрим гуруҳларнинг қарашлари ва ғоялари қисман бузилганлиги ҳамда вужудга келган мафкуравий бўшлиқни соғлом бунёдкор ғоялар билан тўлдириш муҳимлигини инобатга олган ҳолда база гуманитар соҳа билан боғлиқ бўлган ишларда фойдаланиш учун тавсия этилади.

"Туркистон-пресс"

Яккабоғ туманидаги "Олтин бошоқ" болалар боғчасида 70 дан ортиқ болалар тарбияланади. Болалар боғчасида илк, ўрта, мактабгача тайёрлов гуруҳи мавжуд. Ушбу масканда бичиш-тикиш, қўл меҳнати, гулчилик, мусиқа тўгараклари ва қўғирчоқ театри ишлаб турибди. Болаларга таълим-тарбия беришда Шаҳодат Ризаева, Раиса Мамажонова, Ҳамида Очилова каби жонкуяр тарбиячилар меҳнат қилишмоқда.

— Ҳозирги кунда боғчамиз боғида ҳар хил куз мевалари шиғил пишиб ётибди, бу меваларни териб 250-300 тадан ортиқ банка ёпамиз, — дейди мудира Дилфуза Қаршиева. — Бу эса қишда болаларга жуда асқотади, мева сотиб олишга ҳеч қандай ҳожат қолмайди.

Болалар боғчасини Яккабоғ дон маҳсулотлари комбинати гўшт, сут билан таъминлаб келаётгани ҳам қувонарлидир. Хуллас, бу масканда таълим-тарбия намунали йўлга қўйилган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ

Суратларда: болалар боғчаси ҳаётидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар

Xorijda ta'lim

ЯПОНИЯ ТААССУРОТЛАРИ

2001 йилнинг июль, август ойларида Япония давлат ташқи ишлар вазирлиги қошидаги "Халқаро алмашув бўйича Япония жамғармаси" томонидан республикамизда "Ўрта умумтаълим мактаблари юқори синфларида ижтимоий фанлардан дарс берувчи ўқитувчиларнинг тажриба алмашуви ва Япония бўйлаб саёҳат дастури бўйича танлов ўтказилди.

Танлов якуни бўйича республикамиздан ушбу дастурда бир киши қатнашиши керак эди ва дастурда иштирок этиш бахти менга кулиб боқди.

Ушбу халқаро алмашув бўйича жамғарма 1972 йилда ташкил топган бўлиб, Япония давлатининг маданияти, таълим ва санъат соҳаларини тарғиб этади ҳамда хорижий давлатлардан айнан ушбу соҳалар бўйича мутахассислар, экспертлар алмашувини ташкил қилади. Ушбу дастур бўйича Япония таълим тизимини ўрганиш учун МДҲ-(Узбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина ва Россия)-дан жами 20 нафар, Буюк Британия, Германиядан 20 нафар, Лотин Америкаси давлатларидан 20 нафар таълим ходимлари боришди.

Дастур давомида бизда Япония таълим тизимини ўрганиш имконияти яратилди. Японияда таълим тизими мактабгача таълим, бошланғич таълим, қуйи ўрта таълим ва юқори ўрта мактаб, университетларга бўлинади. Бола 3 ёшдан бошлаб боғчаларда тарбияланади. Мактабгача таълим тизими соғлиқни сақлаш вазирлигига мактаблар эса таълим вазирлиги тасарруфида, 3 ёшга тўлган болаларнинг 60 фоизи, 4 ёшга тўлган болаларнинг 90 фоизи ва 5 ёшга тўлган болаларнинг 93-95 фоизи мактабгача таълим муассасаларига тортилади. Бошлангич таълим 1—6-синфларни ўз ичига олади. Қуйи ўрта мактаб 7—9-синфларни ташкил қилади. Японияда 9-синфни тугатиш барча фуқаролар учун мажбурийдир. Юқори ўрта мактаб, яъни 10—12-синфлар академик мактаблар ва касб-ҳунар ўргатувчи мактабларга бўлинади, 9-синфни битирган ўқувчилар юқори ўрта мактабга имтиҳон топшириб киришади. 1996 йилги ҳисоб бўйича 9-синфни тамомлаган ўқувчиларнинг 95,9 фоизи юқори ўрта мактабга ўтишган. Академик мактабларни тамомлаган аксарият ўқувчилар университетларга киришади. Касб-ҳунар эгаллаганлар эса, 100 фоиз иш билан таъминланади. Ўқув қуроллари 9-синфгача бепул, бундан ташқари мактаб ўқувчилари бир маҳал қоидага биноан иссиқ овқат ва сут билан таъминланади. Барча мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари мактабда иккинчи пойабзалдан фойдаланишади.

Таълим янги технология асосида олиб борилади, аксарият мактабларда мультимедиялар ташкил қилинган, барча мактаблар интернет тизимига уланган. Мактаб ўқитувчилари перфектура таълим бўлими бошлиғи томонидан ишга қабул қилинади. Зарур пайтларда бир мактабдан иккинчи мактабга ўтказилади. Мактаб директорлари қоидага кўра 5 йилга, илмий бўлим мудирлари 3 йилга тайинланади.

Япония мактабларида чет тилини ўқитиш қуйи ўрта мактабнинг 1-синфидан (7-синфдан) бошланади. 1956 йилдан буён фақат инглиз тили ўқитилиб келинади. Юқори ўрта мактабга ўтишда инглиз тилидан алоҳида имтиҳон олинади. Ҳар бир синфда ўқувчилар сони 35, 40 нафарни ташкил қилади. Ота-оналар мактаб кутубхонасидан фойдаланиш учун ва айрим турдаги ўқув қуроллари учун мактабга маълум миқдорда бадал тўлаб туришади.

Японияда айни пайтда таълим тизимини ислоҳ қилиш давом этмоқда. 2002 йилдан эътиборан таълим тизими янги шаклда фаолият кўрсата бошлайди. Мактаблар ҳафтасига 5 кунлик ўқитишга ўтишади. Айрим фанлар дастурдан чиқарилади. Бу ерда болани оилада тарбиялашга жуда катта эътибор берилади. Кўпчилик ҳолларда япон оиласида уй бекалари бола тарбияси билан машғул бўлиб, ишлашмайди. Япон халқи бола тарбиясида ўзига хос урф-одатларга эга. Мактабларда 1-синфдан бошлаб ахлоқий дарслар ўтила бошлайди. Мактаб ўқувчилари ўртасида қонунбузарлик, жиноят содир қилиш бошқа ривожланган давлатларга қараганда анча-мунча кам. Масалан, АҚШга қараганда 20 фоизга, Германияга нисбатан 35 фоизга, Францияга қараганда 6 фоизга паст экан. Мактабларда информатика ва ЭҲМ дарси 1-синфдан бошлаб ўқитилади.

Нега Японияда таълимни ислоҳ қилишга қарор қилинди, деган саволимизга Япония халқ таълими вазирлиги масъул ходими шундай жавоб берди. — "Кейинги вақтларда бизда мактабга боришни хоҳламайдиган ўқувчилар сони ортиб бормоқда. Ўқувчилар билан ўқувчилар ўртасида, ўқувчилар билан ўқитувчилар ўртасида, ўқитувчилар билан ота-оналар ўртасида келишмовчиликлар кўпаймоқда. Мактаб ўқувчилари ўртасида қонунбузарлик, жиноят қилиш ҳоллари ўсиб бормоқда. Бизнинг олдимизда нима сабабдан шундай бўляпти, деган табиий савол туғилди. Демак, таълим-тарбия ишида нимадир ёшлар ривожланишидан орқада қолаётир. Таълим жараёнида қандайдир хатоларга йўл қўйилмоқда. Ушбу ва бошқа муаммолар сабабли таълимни ислоҳ қилишга киришилди. Ўйлайманки, ислоҳ қилиш жараёнида биз муаммоларни бартараф қиламиз."

Ташриф давомида биз турли хил босқичдаги 5 та мактабда бўлдик. Дарсларни кузатдик, ўқувчилар билан биргаликда тушлик қилдик, ўқитувчилари билан тажриба алмашдик. Улар ўта меҳмондўст ва қизиқувчан экан.

Халқаро жамғарма ва таълим вазирлиги таклифига кўра, япон оилаларида меҳмон бўлдик ва улар билан 1-2 кун бирга турдик. Япон одамлари меҳмондўстлиги билан, меҳмонга бўлган ҳурмати билан ўзимизнинг ўзбекларга ўхшаб кетар экан, яшаш тарзи, оилавий борди-келдилари ҳам кўп жиҳатдан бизга ўхшаб кетади. Улар ўта меҳнатсевар халқ ва бирор-бир ишсиз ҳаётни тасаввур қилишмайди. Бундан ташқари Японияннинг Токио, Хиросима, Киото, Фуқуоқо шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилдик. Хиросимага ташланган бомба асоратлари, ёш болаларнинг қоғоздан ясаган турначалари жуда катта таассурот қолдирди.

Японияга бўлган саёҳатим таассуротларини якунлар эканман, мен ҳар иккала давлатнинг таълим тизимини қуйидагича таққосладим:

1) Таълим тизими шакли ва модели бир хил.

2) Бизда 12 йиллик таълим мажбурий бўлса, уларда 9 йиллик таълим мажбурийдир.

3) Бизда хорижий тилларни ўқитиш 1 ва 4-синфлардан бошланади, Японияда 7-синфдан бошланади.

4) Информатика ва ЭҲМ Японияда дарс сифатида 1-синфдан бошлаб ўқитилади, бизда эса 1-синфдан дарслар таркибида, алоҳида фан ҳисобида эса 8-синфдан бошланади.

Мирсаид АНОРБОЕВ,
Дўстлик тумани ХТБ
бош назоратчиси

Ҳар бир ижодкорнинг ўз туғилиб ўсган тупроғини, унинг бахтли саодатли яшашига имкон берган она-диёрини мадҳ этиши олий бахт ва туганмас ғурурдир.

"Агар ўқитувчида фақатгина касбига муҳаббат бўлса, у яхши ўқитувчидир. Агар ўқитувчи ўзида касбига ва ўқувчиларига муҳаббатни мужассамлаштирган бўлса, у мукаммал ўқитувчидир"

«НАФОСАТ» УЛҒАЙТИРГАН КЎНГИЛЛАР

(Давоми.Боши 1-бетда)

Анжуманнинг очилиш маросимида "Шарқ юлдузи" журналининг бўлим мудири, шоир Икром Отамурод, вазирликнинг Маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси бошлиғи Ж.Фозилов, бир қатор ёш, эндигина халққа танилаётган ижодкорлар сўзга чиқишди.

Табрик ва яхши ниятлар айтилгач, навбат мушоирага берилди. Ҳар бир вилоятдан, Қорақалпоғистон Республикасидан келган ўқувчилар ўз ижод маҳсули бўлган шеърларни, ҳикоя ва қатраларни йиғилганлар, тенгдошлари ҳукмига ҳавола этишди.

Шеърлар... Ҳар бир юракнинг, ҳар бир жажжи Ватаннинг мулки, дунёси. Болалар бугун ижод қилиш, туйғулар рангини топа билиш, ўз тенгдошларига насиб этмаган бир ҳикматдан баҳраманд бўлиш каби бахтга эришганликларини шеърлари орқали изҳор қилишди.

Улар Ватан ҳақида, унинг бепоёнлиги ва гўзаллиги, тинчлиги ва осудалиги ҳақида мазмунли, оҳангларга тўла бўлган шеърлар ўқишди. Бу табиий эди. Зеро, ҳар бир ижодкорнинг ўз туғилиб ўсган тупроғини, унинг бахтли, саодатли яшашига имкон берган она-диёрини мадҳ этиши олий бахт ва туганмас ғурурдир.

Яна ўқувчилар табиат, она меҳри, фарзанднинг ота-онага бўлган муҳаббати ва ҳурмати тўғрисида ҳам бадиий ташбеҳларга бой, юракларни сел қилувчи, эшитган киши дилига ором улашувчи ашъорлар ўқишди.

Анжуманда иштирок этар эканмиз, бир нарсани кузатдик. Бу йилги анжуман ўтган йилгиларидан анча юқори даражага кўтарилибди. Ижодкор болалар орасида фақат шеър эмас, балки ижоднинг насрий йўналишида ҳам қалам тебратадиган ўқувчилар кўпайибди. Кўпгина ижод намуналари бадиий баркамол асарлар даражасига эришибди.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Мирзо Бедил номли 100-мактаб ўқувчиси Севара Жабборова ўз дил изҳорларини қуйидагича изоҳлади:

—Мен бу анжуманда биринчи бор иштирок этяпман. Жуда ҳам хурсандман. Турли вилоятлардан келган кўплаб тенгдошларим билан танишдим, уларнинг шеърларини тинглаб дилим завққа тўлди. 10 ёшимдан бошлаб қўлимга қалам олганман. Кимдир назм йўлида, кимдир наср йўлида ижод қилади. Ҳар бир ижодкорда қайсидир жанрга йўналган маҳорат бўлади. Мен кичик-кичик қатралар ёзаман. Бу қатраларимда табиат манзараларини, кўнгил суратларини, дилим тубидаги орзу-армонларим расмини сўзлар орқали чизаман.

Биз ушбу анжуман ташкилотчиси республика Халқ таълими вазирлиги маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси бошлиғи муовини Тоира Султоновани сухбатга тортдик.

—Ушбу анжуман ёш ижодкорларни рағбатлантириш, уларнинг ижод намуналари билан кенг жамоатчиликни танитиш, болаларда шаклланаётган қобилиятни ўстириш ҳамда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигини байрам қилиш ниятида ўтказилади. Бу тадбирнинг анъанавий бўлиб қолишига сабаб, республикамизнинг қайси бурчагига борманг кўнглига шеър ишқи, ижод сурури тушган болаларнинг, юртимиз эртасини таъминловчи авлодларимизнинг кўплигидир. Улар ўз қобилиятларини ижоднинг ҳар бир қиррасида синаб кўришга жуда иштиёқмандлар.

Бу йил ҳам 42 нафар ана шундай ўқувчилар Республика Нафис санъат лицейида мушоира ўтказишди. Анжуманнинг ўтган йилгиларидан яна бир фарқли томони шундаки, энг яхши ижодкор, деб топилган икки нафар ўқувчи Республика Нафис санъат лицейида ўқишини давом эттириш учун тавсия этилади.

Анжуман якунида ҳар бир иштирокчи вазирлик томонидан Мақтов ёрлиқлари, эсдалик совғалари, китоблар билан тақдирланишди.

Ушбу тадбирда биз кўплаб ижодкор болалар билан сухбатлашдик. Уларда адабиётга, шериятга бўлган ҳавасни кўриб хурсанд бўлдик. Ва бу ҳавас ҳеч қачон сўнмаслигини тилаб қолдик.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

КИТОБЛАР ҚАЛБНИ ЁРИТАР

Китоб дўстимизгина эмас, балки бутун умрга йўлдошимиздир. Ҳар қандай билимнинг жони ва юраги ҳар қандай фаннинг ибтидоси бўлган китоб —фикрлаш қобилиятимизни ҳаракатга келтиради, қалбимизни ёритади. Китоб орқали ўтмишимиз ва келажагимизни билиб оламиз ва аждод-авлодларимиз яратган бойликлардан баҳраманд бўлиб, маънавий юксаклик, етук ва гўзал истиқбол сари ишонч билан боришимиз мумкин.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Республика илмий педагогика кутубхонаси маъмуриятининг китобхонларга хизмат кўрсатиш ва китоб сақлаш бўлими ходимлари ташаббуси билан Оналар ва болалар йилига бағишлаб "Соғлом авлод тарбиясида кутубхоналарнинг ўрни: муаммолар ва ечимлар" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Мазкур анжуманда "Кутубхона —маънавият манбаи", "Китобхонлик ва соғлом авлод тарбияси", "Оилада соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришда китобнинг аҳамияти" каби бир қатор мавзуларда баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Маърузачилар ўқувчи қалбида китобни севиш, уни онгли англаган ҳолда ўқиш ва ардоқлаш каби фазилатларни шакллантириш орқали уларнинг маънавий-маданий дунёсини бойитиш, Ватанга муҳаббат туйғусини тарбиялаш, китобни кўпроқ ўқиш ва кўз қорачиғидек сақлай билишни ўргатиш ҳақида ҳам аҳамиятли фикрларни билдиришди.

Мазкур анжуманда Тошкент вилоят мактаб кутубхона ходимларининг илғор иш тажрибалари билан яқиндан танишилди.

О.ХУДОЁРОВА

Xullas...

УЙЛАНГАНЛАРГА УПА-ЭЛИК СОТИЛМАЙДИ

Шотландиядаги дўконлардан бирига кирган ҳар қандай харидор шундай сўзларни ўқийди: "Уйланганларга упа-элик сотилмайди".

Ҳўш, бунинг сабаби нимада экан? Дукон сотувчиси Аллан Гордон азбаройи пардоз-андоз анжомларини алмаштираверишдан ёки ёқмагани учун пулини қайтиб бериш жонига текканидан шундай йўл тутишни афзал кўрди.

Янги жорий қилинган тартибга кўра, упа-элик сотиб олмоқчи бўлган эркак дуконга фақат рафиқаси билан келади ва хотини ёқтирган буёқларни харид қилади. Бу эса дўкон эгасини "жонига теккан" ҳолатлардан халос этмоқда.

ЧАҚАЛОҚЛАРГА "ИНТЕРНЕТ" САЙТЛАРИ

"Интернет" катталар учун, ҳамма ва бутун дунё учун. Энг сўнгги муъжиза сифатида тан олинган "Интернет"га америкалик олимлар яна бир ажойиб вазифани юклашди.

Калифорния штатидаги водийлардан бирида жойлашган "Секвойя" шифохонаси "Наймзироу" Интернет компаниясининг ташаббусини бажонидил қабул қилди: Калифорнияда туғилаётган ҳар бир чақалоққа "Интернет"да электрон почта ташкил қилиш.

Бундан ташқари, компьютер саводхонлигига эга ота-оналар ўша сайтда ўз болалари ҳақидаги бошқа маълумотларни ҳам қайд қилиб боришлари мумкин. Кейинчалик бу матнлар шахснинг ўзига хос гувоҳномаси бўлади.

Туғруқхона катта ҳамшираси Линда Кристанинг таъкидлашича, янги меҳмонларга нисбатан қўлланилаётган бундай усул келгусида катта самара беради.

НИКОҲДАН БОШЛАНГАН УЧ ЙИЛЛИК СУКУНАТ

32 ёшдаги ўқитувчи — Жак Фесно исмли жаноб уч йилдирки хотини Жоан билан гаплашмайди. Сабаб?

Никоҳ маросимида Жоан хонимнинг оғзидан чиқиб кетган қасам уч йиллик сукунатга "пойдевор" яратди. Бунинг қанча вақтга қадар давом этишини на хотини, на эри билади. Оилада 6 ойлик бола ўсмоқда. Эр-хотин эса бир-бирлари билан ёзув орқали муомала қилишади.

Қасамнинг бузилиши, гўёки Жоан хоним учун шармандали ҳол. Афтидан, улар гаплашишни йўлга қўйиш учун бошқатдан никоҳ ўқитишса керак...

ana shunaqa gaplar

Sport

ЮЛДУЗ"ЛАР ОИЛА ҚУРДИ

Катта теннисда обрў қозонган Андре Агасси ва Штеффи Графлар оила қурди. Лас-Вегасда бўлиб ўтган камҳарж тўйдан сўнг ҳар иккиси ҳам ўз орзуси ушалганини таъкидлади. Энди-ликда Штеффи оила соҳибаси, Андре эса теннис юлдузи сифатида ҳаётини давом эттирадиган бўлди.

МБЛ МАВСУМ ОЛДИДАН

Кеча Филадельфияда Миллий баскетбол лигасининг 6 та мавсум олди учрашувлари бўлиб ўтди. Унда "Сиккерс" ва "Вашингтон" жамоалари рўбарў келди ва Майкл Жорданнинг жамоаси аламли мағлубиятга юз тутди- 91:87. Майкл ўз жамоасига ҳадя этган 18 очко ҳам бу гал ёрдам бермади.

МАЙДОНДА ҚИЗЛАР

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасида Фарғона вилоятида қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича Республика мусобақасини ўтказишга бағишланган ташкилий қўмита йиғилиши бўлди.

Мусобақани ўтказишдан асосий мақсад, ушбу спорт турини республикамизда оммалаштириш, ўзбек қизлари орасидан жаҳон чемпионларини етиштириб, Ўзбекистоннинг салоҳиятини яна бир карра дунёга намойиш этишдан иборат. Мусобақада республикамизнинг барча вилоятларидан 70 нафарга яқин қизлар қатнашади.

ЗИДАНДАН КЎНГИЛЛАРИ ТЎЛМАЯПТИ

Зинедин Зиданнинг Испания футболида бошлаган фаолиятига 100 кун тўлиши муносабати билан мамлакат интернет тармоғининг энг йирик портал сайти "Terra Lycos" ўз мижозлари ўртасида ўтказган сўровномада 19 мингдан ошиқ ашаддий ишқибозлари иштирок этишди. Жаҳоннинг энг қимматбаҳо футболчисининг ҳозирги фаолиятига баҳо берган мухлисларнинг атиги 12 фоизи уни Испания чемпионатини жуда яхши бошлади, деган фикрда.

БИР МИЛЛИОН ДОЛЛАР ТАЛАБ ҚИЛИШМОҚДА

Аргентиналик футболчи Хавьер Савиолaнинг "Барселона" билан шартнома имзолашига воситачилик қилган Орландо Хименес ва Хоакин Мартинеслар судга шикоят аризаси билан мурожаат этишиб, Савиола агентидан бир миллион доллар товон пули талаб қилишяпти.

Эслатиб ўтамиз. Савиола "Ривер Плейт"дан 22,6 млн. доллар эвазига "Барселона"га 5 йилга ўтган. Бу трансфер ҳозирда Аргентина ва Европада рекорд натижа бўлиб турибди.

maydonchasi

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Фарғона вилояти Бешариқ тумани Абу Али ибн Сино номидаги 45-мактабда устозу мураббийларнинг уч авлод учрашуви бўлиб ўтди. Шу куни мактабда фаолият кўрсатаётган ва қарилик гаштини сураётган муаллиму мураббийлар шодиёнада ҳозир бўлишиб, шогирдларига ўз дил изҳорларини билдиришди.

Мактабни бугунгача минглаб ёшлар битириб чиқишди. Улар илм соҳасида кўплаб раҳбарлик лавозимларида, жамиятнинг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Бугунги кунда мактабга раҳбарлик қилаётган Ҳавасхон Шарофиддинова ҳам ушбу ўқув даргоҳида таҳсил олган. Шунингдек, мавжуд 914 ўғилқизга таълим-тарбия бераётган 71 нафар муаллиму мураббийларнинг аксарияти ҳам мана шу ердан қачонлардир учирма бўлишган. Фан ўқитувчиларидан Эркиной Тошпулатова, Дилором Йўлдошева, Карима Ҳамидова, Эркин Аминжонов, Осиёхон Мадаминова кабилар туман муаллимлари орасида ҳам илғорлар қаторида туришади.

Diydor

Мактаб байрамида ҳамма шод-хуррам эди. Бу устоз ва шогирдларнинг бир-бирларидан мудом мамнунлик аломати ва юртимизда тўю тантаналар узлуксиз давом этаётганидан нишона эди.

Аваз ХАЙДАРОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

QUTLOV



Муҳтарам устоз Раҳимберди МАМАСОЛИЕВ!

Сизни 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Мактабимизда ўз фанининг фидойиси сифатида ҳурмат топганингизни алоҳида таъкидлаб, сизга узоқ-умр, соғлиқ ва хотиржамлик тилаб қоламиз.

Фориш туманидаги 33-мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз.

МУСИҚА ТАЪЛИМИДА ФАНЛАРАРО БОҒЛАНИШ

"Агар ўқитувчида фақатгина касбига муҳаббат бўлса, у яхши ўқитувчидир. Агар ўқитувчи ўзида касбига ва ўқувчиларига муҳаббатни мужассамлаштирган бўлса, у мукаммал ўқитувчидир", деб ёзганди Л.Н.Толстой.

Айнан шундай тарбиялаш замонавий талабларга жавоб берадиган ва амалий фаолиятда муваффақиятга эриша оладиган педагог мутахассисларни тайёрлаш олий ўқув юртлари ўқитувчилари зиммасидадир.

Замонавий шароитларда бу ишнинг муҳим жиҳатларидан бири олий ўқув юрти битирувчисининг шахсий хусусиятларини, касбий сифатларини шакллантириш ҳисобланади. Жумладан, бизнинг факультетимиз илғор ўқитувчиларининг кўп йиллик тажрибасига таяниб, шундай хулосага келиш мумкинки, барча мусиқий фанларнинг ўзаро алоқаси ҳар бир аниқ фаннинг, ҳар бир мавзунинг ички, долзарб вазифаларини энг юқори даражада тўлароқ ифодалаш имконини бериши мумкин. Шундан пировард мақсад — талабаларга фан асослари, тизими ва вазифаларини тушунтириш баробарида психологик-педагогик таҳлил воситаларидан фойдаланиш орқали уларни ижодий фикрлашга ўргатиш зарурияти келиб чиқади.

Ушбу мақсадга эришиш йўлларидан бири "Мусиқий таълим методикаси", "Педагогик амалиёт", "Мусиқа назарияси", "Сольфеджио" ("Мусиқа тили"), "Гармония", "Мусиқа адабиёти" каби фанлар билан бўлғуси мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда муҳим роль ўйновчи бошқа умумтаълим фанлари ўртасидаги фанлараро алоқани йўлга қўйишдир. Бунда талабаларда ижодий ва мустақил тафаккур қобилиятини ривожлантириш муҳимдир.

Қорақалпоғистон Республикаси таълим тизимида Д.Кабалевский дастури ўрнига К.Аймбетов, Г.Аманиязов, С.Полвонов, К.Утегеновлардан иборат ижодий гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган мусиқа фани бўйича дастурнинг жорий этилиши ижобий самара берди ҳамда шакли ва мазмунига кўра турли хил бўлган мусиқа дарсларини режалаштириш ва олиб бориш сезиларли даражада енгиллашди.

"Мусиқий тарбия методикаси" фанининг бутун дарс жараёни — хоҳ у баҳс-мунозара дарси бўлсин, хоҳ ўйин-дарс бўлсин — мазкур дастур асосида тузилган. Ўқитувчининг вазифаси — талабага режадаги материални етказиб бериш, яъни мусиқий саводхонлик, мусиқа адабиёти, мусиқани тинглай олиш, қўшиқларни ўрганиш ва ёд олиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш шартларидан бири ўқитувчининг "Мусиқа адабиёти" фанидан яхши билимга эга бўлиши ҳисобланади. Бундан ташқари, у қўшиқнинг яратилиш тарихини, муаллиф таржимаи ҳолини, қуйнинг бадиий-назарий жиҳати ҳақидаги барча маълумотларни жонли тарзда ифодалаб бериши, асарнинг тарихий-стилистик, вокал, назарий, ижрочилик жиҳатларини таҳлил эта олиши лозим. Шу ерда "Дирижёрлик" фани бўйича билимга эга бўлиш зарурати туғилади. Қолаверса, у "Хоршунослик", "Вокал", "Мусиқа назарияси", "Сольфеджио", "Гармония" фанларини ҳам чуқур билиши керак.

Мусиқий педагогикада ўқитувчи талабага нафақат гапириб, тушунтириб бериши, балки у билан ўзаро тенг шахс сифатида муносабатда бўлиши лозим. Ўқитувчининг ўз ўқувчиси билан муносабати қанчалик кенг ва ранг-баранг бўлса, ҳар бир ўқувчини ўқув фаолиятига, яъни муомалага қизиқарли усулда тортиш имконияти шунчалик кўп бўлади. Шундагина ўқитувчининг ўзи эстетик таъсир манбаига айланади, "санъат дарсининг ўзи санъат даражасига кўтарилади".

Фанлараро алоқаларнинг қийин ва долзарб вазифаларидан бири назарий жиҳатдан турлича бўлган тушунчаларни ўқувчи умумий тамойилларни белгилаб беришдир. Унинг аҳамияти фанлараро алоқаларни тадбиқ этмай туриб, яхлит тарихий-эстетик баҳони шакллантириш мумкин эмаслигида кўринади. Бу вазифанинг мураккаблиги шундаки, уни самарали равишда ечиш ўқитувчидан нафақат ўз фанини аъло даражада билишни, балки кенг дунёқарашни ҳам талаб этилади. Бу муаммоларни ҳал этиш йўлида Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ мусиқа факультетининг ўқитувчилар жамоаси самарали ишлар олиб бормоқда.

Тўтиё ДЎЙСЕНОВА,
Нукус ДПИ мусиқа факультети "Мусиқа назарияси ва дирижёрлик" кафедраси доценти



Куз манзаралари

ХОТИРА ТУРНИРИ

Республикамиз пойтахтидаги Марказий ҳарбий спорт клуби залида генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишлаб ўтказилган юнон-рум кураши бўйича XXVII халқаро беллашувда республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, шунингдек, Қозоғистон Республикасининг бир қатор шаҳарларидан келган полвонлар ғолиблик учун муросасиз кураш олиб боришди.

Sport

Тўққиз хил вазн тоифасида иштирок этган 182 спортчи орасидаги баҳс натижаларига кўра ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Вазн тоифаларига кўра тошкентлик Дилшод Орипов (58 кг), Зафар Ғафуров (63 кг), Руслан Биктяков (69 кг), Шермуҳаммад Қўзиев (130 кг), пойтахт вилояти вакили Дмитрий Коршунов (50 кг), самарқандлик Камол Холматов (54 кг), бухоролик Юрий Вишт (76 кг), қашқадарёлик Руслан Акчурин (85 кг) ва чимкентлик Абдул Жабро-иловлар (97 кг) мусобақа чемпионлари бўлишди.

Хотира турнири ғолиб ва совриндорлари медаллар ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ф.МАННОПОВ

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ 2001 йилнинг ноябр ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар	ўзб	5-17
2. Мутахассислиги тарих-география бўлган директорлар	ўзб	5-17
3. Мутахассислиги химия-биология бўлган директорлар	ўзб	19-30
4. Мутахассислиги математика ва информатика бўлган директорлар	ўзб	19-30
5. Мутахассислиги чет тили (рус, инглиз ва ҳ.к.) бўлган директорлар	ўзб	19-30
6. Мутахассислиги физика ва умумий техника фанлари бўлган директорлар	ўзб	19-30
7. Директорлик лавозимида 5 йилгача ишлаётганлар	ўзб	12-30
8. Туман (ш.) ХТБ ижтимоий фанлар назоратчилари	ўзб	5-17
9. Ташхис маркази педиатор-врачлари курси	ўзб	5-17
10. Туман (шаҳар) ХТБ табиий фанлар методистларини "Лотин ёзувига ўргатиш" бўйича маърузачилар курси	ўзб	5-17
11. Туман (шаҳар) ХТБ бошланғич таълим методистларини янги ахборот технологияларини қўллаб дарс ўтиш бўйича қайта тайёрлаш курси	ўзб	19-30
12. Туман (шаҳар) ХТБ рус тили фани методистлари учун ДТС, УЎТ ўқув дастури ва тестни таълим жараёнига тадбиқ этиш	ўзб	19-30
13. Туман (шаҳар) ХТБ ўзбек тили ва адабиёти фани методистлари учун ДТС, УЎТ ўқув дастури ва тестни таълим жараёнига тадбиқ этиш	ўзб	19-30
14. Туман (шаҳар) ХТБ математика фани методистлари учун ДТС, УЎТ ўқув дастури ва тестни таълим жараёнига тадбиқ этиш	ўзб	19-30
15. Кўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари меҳнат таълими ўқитувчилари	ўзб	5-17
16. Кўзи ожиз, оғир нуқсони бўлган болалар мактаб-интернатлари ўқитувчилари (Наманган вилояти)	ўзб	19-30
17. Спорт мактаби тренер-ўқитувчилари (волейбол бўйича)	ўзб	5-17
18. Ёш табиатшунослар ва экологлар маркази директор ўринбосарлари	ўзб	5-17
19. "Инсон хавфсизлиги асослари" курси бўйича қайта тайёрлаш (бошланғич таълим ўқитувчилари учун) маърузачилар курси	ўзб-русча	5-10
20. "Инсон хавфсизлиги асослари" курси бўйича қайта тайёрлаш (химия-биология ўқитувчилари учун) маърузачилар курси	ўзб-русча	12-17
21. "Одобнома" фанидан дарс берадиган ўқитувчиларни қайта тайёрлаш (маърузачилар)	ўзб	29.10-3.11
22. "Ватан туйғуси" фанидан дарс берадиган ўқитувчиларни қайта тайёрлаш (маърузачилар) курси	ўзб	29.10-3.11

Эслатмалар:

1. ХТВнинг 7.09.2001 йил 03-208-сонли хатига асосан "Инсон хавфсизлиги асослари" бўйича қайта тайёрлаш (маърузачилар) курси режадан ташқари ўтказилаётганини инобатга олиб, курс тингловчиларининг сафар харажатлари асосий иш жойидан таъминланади.

2. 28.02.2001 йилдаги ЎзР ХТВ Ҳайъат мажлисининг 2/4-сонли Қарорининг 7-бандини бажариш борасида барча туман (шаҳар) Ташхис марказлари касбга йўналтирувчилари мазкур йилнинг апрель-май ойларида қайта тайёрлов курсларидан ўтганликларини инобатга олиб, ноябр ойидаги "Ташхис маркази касбга йўналтирувчилари" (9-позиция) курси бекор қилинади.

3. "Одобнома" ва "Ватан туйғуси" фанлари бўйича қайта тайёрлаш курслари "Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий истиқлол ғоясини таълим-тарбия жараёнига сингдиришни такомиллаштириш" билан боғлиқ 2001 йил 22 июнда берган кўрсатмалари ижросини таъминлашга қаратилган Халқ таълими вазирлигининг тадбирлари асосида ўтказилади. Шу курсларга МОИларидан 1 нафар ва илғор ўқитувчи ёки методистлардан 1 нафардан тингловчи келиши лозим.

4. Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш йўлкира ҳақи фақат темир йўл ва автобус чипталари асосида тўланади. Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари тингловчилари учун шартнома бўйича ҳам йўлкира ҳақи тўланади, агарда у юридик жиҳатдан тасдиқланган ҳужжат тақдим этса (келиш жойидан). Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар ўқув режа, дастур, стандартлар ҳақида маърузалар қиладилар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Темурийлар тарихи Давлат музейи, Хотира, Шаҳидлар майдонлари ҳамда бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

5. Тингловчининг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт, акс ҳолда тингловчилар курсларга қабул қилинмайди ва қайтариб юборилади.

6. Тоифага мос келмаган тингловчиларни қайтарилганда, сафар харажатлари тўланмайди.

7. Кечикиб келган тингловчиларни истисно тариқасида ўқиган кунлари учун фақат маълумотнома бериш шарти билан қабул қилиниши мумкин.

8. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ 2001 йил 5 ноябрдан "Махсус таълим кафедраси" қошида умумтаълим мактаблари, оммавий боғчалар, ёрдамчи мактаб ва боғчалар, медицина таълими бўлимларида фаолият кўрсатувчи "Логопедлар" учун қайта тайёрлов курси очилишини маълум қилади (диплом ва меҳнат дафтарчасининг асл нусхаси, иш жойидан маълумотнома).

Манзилимиз: Тошкент-95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг "Талабалар шаҳарчаси" бекатигача.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Ҳусан НИШОНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2917. Тиражи 14.877.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.